

ГИДРОЭНЕРГЕТИКА СОҲАСИДАГИ ЛОЙИҲАЛАР КўРИБ ЧИҚИЛДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 30 ноябрь куни гидроэнергетика соҳасидаги лойиҳаларга оид тақдимот билан танишди.

Мамлакатимизда энергетика соҳаси кенг кўламда ривожлантирилмоқда. Нефть, газ каби углеводородлар билан чекланиб қолмасдан, кўёш, шамол ва сувдан электр энергияси олиш иншоотлари барпо этилмоқда.

Хусусан, 2017 йилда Президент Фармони билан «Ўзбекгидроэнерго» акциядорлик жамияти ташкил этилган эди. Ўтган даврда 11 та янги гидроэлектр станция қурилиб, 8 таси модернизация қилинди. Натижада 244 мегаваттлик қўшимча қувват яратилди.

Лекин юртимизнинг гидроэнергетика салоҳияти 50 фоиз ишга солинган, холос. Шу боис жами 740 мегаватт қувватли 21 та ийрик лойиҳа ишлаб чиқилган. Хусусан, келгуси йилда 170 мегаваттли 7 та, 2023-2024 йилларда 150 мегаваттли 12 та ҳамда

2025-2026 йилларда 420 мегаваттли 2 та лойиҳани амалга ошириш режалаштирилган.

Тақдимотда ушбу иншоотларни сифатли қуриш ва барқарор ишлашини таъминлаш бўйича кўрсатмалар берилди.

Давлатимиз раҳбари тўғон талаб этмайдиган кичик гидростанциялар қуриш масаласига алоҳида эътибор қаратиб, бунга хусусий секторни жалб қилиш кераклигини таъкидлади.

Бугунги кунда 22 та шундай истиқболли майдон рўйхати шакллантирилган. Уларда қуввати 5 мегаваттгача бўлган мини гидроэлектр станциялар қуриш бўйича тендер эълон қилиниши белгиланди.

Шунингдек, Норин, Сўх, Танхоз, Оқ булоқ, Угам каби дарёлар ва каналларда 500 киловаттгача қувватга эга ихчам гидростанциялар ўр-

натиш умконияти бор. Тадбирда қайд этилганидек, бундай жойлар рўйхати аҳоли ва тадбиркорларга эълон қилинади. Бунда кўёш, шамол электр станциялари ўрнатгани учун аҳоли ва тадбиркорларга қандай имтиёзлар берилган бўлса, кичик гидростанциялар учун ҳам шундай имтиёз ва субсидиялар қўлланилиши айтилди.

Гидроиншоотларни ишлатиш учун малакали мутахассислар тайёрлаш масаласига ҳам тўхталиб ўтилди. Техника, ирригация ва архитектура йўналишидаги олий ўқув юрларига бунга алоҳида аҳамият қаратиш, уларда қурилиш ҳамда гидравлик лабораториялар ташкил этиш зарурлиги қайд этилди.

Ў.А.

ЯНГИ МАССИВЛАР ЛОЙИҲАСИ ТАҚДИМОТ ҚИЛИНДИ

Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Президенти лавозимига киришиш маросимида келгусида 1 миллиондан ортиқ аҳоли учун барча қулайлик ва ижтимоий инфратузилмага эга бўлган “Янги Ўзбекистон” массивлари бунёд этилишини айтган эди.

Шу йил 2 ноябрь куни ўтказилган видеоселектор йиғилишида бу дастурнинг амалий жиҳатлари муҳокама қилинди. Ўтган бир ойда янги массивлар учун шаҳар ёки туман марказига яқин, инфратузилмага эга жойлар танланиб, дастлабки лойиҳалар шакллантирилди.

Мазкур лойиҳалар 30 ноябрь куни давлат раҳбари ҳузурда тақдимот қилинди.

Режага кўра келгуси йилда 22 та янги массив барпо этилади. Қурувчи ташкилотларга енгиллик бериш мақсадида факатгина кўп қаватли уй-жой майдонининг ўзи аукцион орқали сотилади. Туташ майдонлар эса, қурилиш битга-

Ў.А.

ДУНЁНИГОҲИ

Халқаро ижтимоий-сиёсий доиралар вакиллари Президент Шавкат Мирзиёевнинг Туркменистонга ташрифи якунларини изоҳлар экан, Ўзбекистоннинг Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотининг (ИХТ) 15-саммитидаги муваффақиятли иштироки республиканинг ишончли ҳамкор сифатидаги мавқеини янада мустаҳкамлаганини таъкидламоқда.

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ТАШАББУСЛАРИНИНГ АМАЛГА ОШИРИЛИШИ БАРЧА ИШТИРОКЧИ ДАВЛАТЛАРГА МАНФААТ КЕЛТИРАДИ

Ким Санг ЧХОЛЬ, Ханкук чет тиллар университетининг Марказий Осиё тадқиқотлари институти профессори, фалсафа фанлари доктори:



— Ўзбекистон Президенти қайта сайланганидан сўнг, биринчи навбатда, қўшни давлатлар билан конструктив алоқаларни янада мустаҳкамлаш, минтақавий ва халқаро ташкилотлар доирасидаги ҳамкорлиكنинг самарали механизмлари шакллантиришга қаратилган фаол дипломатик фаолият олиб бораётганига гувоҳ бўлмоқдамиз.

Шавкат Мирзиёевнинг Туркменистонга ташрифи чоғида қўшни давлатлар раҳбарлари, жумладан, Жанубий Осиё мамлакатлари раҳбарлари билан бўлиб ўтган учрашувлари Тошкентнинг Жанубий йўналишда кўп томонлама ҳамкорлик архитектурасини мустаҳкамлаш, Марказий Осиё — Жанубий Осиё йўналишида савдо-иқтисодий, транспорт ва логистика алоқаларини ривожлантириш борасидаги стратегик мақсадларини яққол намён этиди. Бу Ўзбекистон Президенти томонидан Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштириш бўйича илгари сурилган долзарб ва чуқур ўйланган так-

лифларда ҳам намён бўлди, деб ҳисоблайман.

Ўзбекистон етакчиси таъкидлаганидек, халқаро ҳам-жамият, жумладан, унинг энг яқин қўшниларининг ёрдами-сиз Афғонистондаги юзага келган мураккаб вазиятни барқарорлаштириш қийин бўлади. Шунингдек, Ўзбекистон раҳбарининг Афғонистон билан биргаликда минтақавий аҳамиятга молик ийрик савдо, транспорт ва энергетика лойиҳаларини амалга оширишни изчил давом эттириш ушбу мамлакатни тинч йўл билан тикрлаш ва минтақавий жараёнларга жалб этиш учун қулай ташқи шарт-шароитлар яратиши ҳақидаги позицияси жуда долзарб деб ўйлайман.

Ўзбекистон Президентининг ИХТга аъзо мамлакатларнинг транспорт-коммуникация алоқаларини ривожлантириш ва транзит салоҳиятини кенгайтиришга қаратилган Минтақавий стратегияни ишлаб чиқиш, ташкилот доирасида Савдо, инвестициялар ва инновациялар марказини ташкил этиш борасидаги ташаббуслари юксак эътиборга лойик.

Менимча, бугунги кунда ИХТ мамлакатлари ўртасида турли даражадаги фаол мулоқотга қарамасдан, ташкилотнинг барча иштирокчилари манфаатларига жавоб берадиган ўзаро келишилган тараққиёт стратегияси етишмапти.



3

ДЕЛЕГАЦИЯМИЗ ПАРЛАМЕНТЛАРАРО ИТТИФОҚ АССАМБЛЕЯСИ ИШИДА МУВАФФАҚИЯТЛИ ҚАТНАШДИ

Жорий йилнинг 26 — 30 ноябрь кунлари Сенат Раиси Танзила Норбоева бошчилигидаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси делегацияси Мадрид шаҳрида (Испания) бўлиб ўтган Парламентлараро Иттифоқнинг 143-Ассамблеяси ишида муваффақиятли иштирок этди.

Ҳамкорлик

“Демократия учун замонавий таҳдидлар: тафавутларни енгиб ўтиш ва ҳамжамиятларни барпо этиш” мавзусидаги нуфузли анжуманда ушбу Ассамблеяга аъзо 123 та парламент, 20 та кузатувчи давлат ва 8 та халқаро ташкилотдан 1,5 мингга яқин делегатлар қатнашди.

Тадбирни Испания қироли Фелипе IV очиб берди ва парламентларни демократиянинг муҳим марказий институти деб ҳисоблашни таъкидлади.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси Раиси А. Шаҳид ва Бош котиби А. Гутерриш ҳам парламент дипломатиясининг устувор роли ҳамда БМТ битимларини амалга оширишда вакиллик органлари фаолияти муҳимлигини билдирди. Ўз навбатида, улар БМТ ва Парламентлараро Иттифоқ ўртасидаги стратегик шериклини янада мустаҳкамлашга содиқ эканлигини тасдиқлади.

Ялпи мажлисда Олий Мажлиси Сенати Раиси Т. Норбоева нутқ сўзлади.

Таъкидланганидек, бугунги кунда Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида мамлакатимизда халқ фаровонлигини юксалтириш, аҳолининг ҳуқуқлари ва ҳимоясини таъминлашга қаратилган кенг кўламли ишловлар ҳамда демократик ўзгаришлар амалга оширилмоқда.

Бу жараёнда гендер тенгликка эришиш, хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлаш, жамият ва давлат ҳаётидаги ролини кучайтиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Миллатлараро ва конфессиялараро товулик ҳамда баргиреклигини мустаҳкамлаш борасида мақсадли ишлар олиб бориляпти. Ёшларни мамлакат ижтимоий ҳаётига кенг жалб этиш борасида сезиларли ютуқларга эришилди.

Олий Мажлиси Сенати Раиси ўз нутқида Парламентлараро Иттифоқга аъзо мамлакатлар делегацияларини 2022 йилда Ўзбекистонда бўлиб ўтадиган Жаҳон парламентлари аёл раҳбарларининг навбатдаги саммитига таклиф қилди.

Сенат Раиси Т. Норбоева бошчилигидаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси делегациясининг Мадрид шаҳридаги 143-Ассамблеяси ишида муваффақиятли иштироки доирасида мазкур ташкилот бош котиби Мартин Чунгон билан учрашув бўлиб ўтди.

ПИ бош котиби Ўзбекистонда Президент сайлови муваффақиятли ўтгани билан табриклади.

Ўзбекистоннинг Барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш йўлида сўзсиз етакчилиги алоҳида қайд этилди. Шу маънода, 2021 йил 17-18 июнь кунлари ўтказилган парламент аъзоларининг БРМга эришишдаги роли ҳақидаги Бухоро форумининг якунлари ижобий баҳоланди.

Олий Мажлисининг давлат органлари билан биргаликдаги фаолияти, шунингдек, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, гендер тенгликни таъминлаш борасидаги юқори натижалари алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Томонлар 2022 йил сентябрь ойида Ўзбекистонда Жаҳон парламентлари аёл раҳбарлари форумини юқори савияда ўтказишга келишиб олдилар.

ПИ доирасида янги лойиҳаларни бошлаш масалалари ҳам муҳокама қилинди.

Учрашувда Ўзбекистон ва Парламентлараро Иттифоқ ўртасидаги ҳамкорликка оид бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари ҳар ойнинг охирида ҳудудларда бўлиб, туманлардаги ижтимоий-иқтисодий ҳолат, амалдаги қонунлар ижроси ва ижро органлари фаолиятини ўрганмоқда, сайловчилар билан дилдан суҳбат қилиб, аҳоли муаммоларига ечим изламоқда.

Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари ҳар ойнинг охирида ҳудудларда бўлиб, туманлардаги ижтимоий-иқтисодий ҳолат, амалдаги қонунлар ижроси ва ижро органлари фаолиятини ўрганмоқда, сайловчилар билан дилдан суҳбат қилиб, аҳоли муаммоларига ечим изламоқда.

Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари ҳар ойнинг охирида ҳудудларда бўлиб, туманлардаги ижтимоий-иқтисодий ҳолат, амалдаги қонунлар ижроси ва ижро органлари фаолиятини ўрганмоқда, сайловчилар билан дилдан суҳбат қилиб, аҳоли муаммоларига ечим изламоқда.

Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари ҳар ойнинг охирида ҳудудларда бўлиб, туманлардаги ижтимоий-иқтисодий ҳолат, амалдаги қонунлар ижроси ва ижро органлари фаолиятини ўрганмоқда, сайловчилар билан дилдан суҳбат қилиб, аҳоли муаммоларига ечим изламоқда.

Олий Мажлиси Сенати Ахборот хизмати.

ДЕПУТАТЛАР ХАЛҚ ИЧИДА ЮРИБ, ҲАР БИР ФУҚАРОНИНГ ДАРДИНИ ЭШИТМОҚДА

Жойлардаги ўрганишлар, халқ билан юзма-юз мулоқотлар тўғрисида қолган муаммо ва камчиликларни бартараф этишда муҳим омил бўлмоқда, аҳолининг кундалик эҳтиёжлари, талаб ва истаклари ўрганилиб, ҳал этилаётгани юртдошларимизнинг давлат ҳокимияти идораларига ишончини мустаҳкамлаётир.

Мулоқот

Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари Актам Хайтов ҳамда қуйи палата депутати Акшагул

Тўлегеновнинг навоийлик талаба-ёшлар билан учрашуви ҳам гоят самарали бўлди.

Очик мулоқот давомида А. Хайтов Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат

Мирзиёевнинг лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлиси палаталари қўшма мажлисидаги нутқида илгари сурилган ташаббуслар ҳақида батафсил тўхталиб ўтди.

Учрашув иштирокчилари қонун ижодкорлиги янгиликлари, яқинда қўнға қирган қонунларнинг мазмунини ва аҳамиятини ҳақида кенг маълумотга эга бўлди.



3

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ«Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

◄ (Давоми. Бошланиши 1-бетда).

қуйдаги мазмундаги **ўн тўққизинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«**сув етказиб берганлик ва бошқа сув ҳўжалиги хизматлари учун ҳақ тўлаш** – сув таъминоти ташкилотлари (сув ҳўжалигининг фойдаланувчи ташкилотлари, сув истеъмолчиллари уюшмалари ва бошқалар) томонидан кўрсатиладиган сув етказиб бериш бўйича хизматлар ва бошқа сув ҳўжалиги хизматлари (сув ҳўжалиги объектларини таъмирлаш, сувни тежайдиган сўғориш технологияларини жорий этиш, сувни бошқариш ва ҳисобга олиш воситаларидан фойдаланишда кўмаклашиш) учун шартнома асосида тўловларни амалга ошириш»;

ўн тўққизинчи ва йигирманчи хатбошилари тегишинча **йигирманчи** ва **йигирма биринчи хатбошилар** деб ҳисоблансин;

2) **6-модда:** **саккизинчи хатбошиси** қуйдаги тахрирда баён этилсин: «сув ҳўжалиги соҳасида давлатлараро муносабатларни ривожлантириш»;

қуйдаги мазмундаги **тўққизинчи** ва **ўнинчи хатбошилар** билан тўлдирилсин:

«сув ҳўжалигини ривожлантириш, сувдан оқилона фойдаланиш, сувдан самарали фойдаланиш, сув танқислигининг салбий таъсирини юмшатишга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш, сув ва сувдан фойдаланишга доир бошқа дастурларни тасдиқлаш; сувни тежайдиган технологияларни жорий этишни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тартибини тасдиқлаш»;

тўққизинчи хатбошиси ўн биринчи хатбоши деб ҳисоблансин;

3) **7-модда:** қуйдаги мазмундаги **бешинчи** ва **олтинчи хатбошилар** билан тўлдирилсин:

«сувни тежайдиган технологияларни жорий этиш бўйича аниқ йўналтирилган рўйхатларни шакллантириш ва тасдиқлашда, шунингдек уларнинг амалга оширилишини назорат қилишда кўмаклашиш;

сув истеъмолчиллари уюшмаларининг ҳуқуқлари ва қўнийи манфаатларига риоя этилишини таъминлаш, сўғориш ва коллектор-дренаж тармоқларини таъмирлаш ҳамда тиклаш, томорқа ерларига сув етказиб бериш тадбирларини амалга оширишда кўмаклашиш»;

бешинчи ва **олтинчи хатбошилари** тегишинча **еттинчи** ва **саккизинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин;

4) **8-модданинг иккинчи қисмидаги** «Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирилиг» деган сўзлар «Сув ҳўжалиги вазирилиг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

5) **9-модданинг иккинчи қисми** қуйдаги тахрирда баён этилсин:

«Сувдан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирилиг, Ўзбекистон Республикаси Сув ҳўжалиги вазирилиг, Ўзбекистон Республикаси Уй-ҳой коммунал хизмат кўрсатиш вазирилиг ҳузуридаги Ичкилик сувидан фойдаланишини назорат қилиш инспекцияси қўнучиликда белгиланган тартибда амалга оширади»;

6) **11-модда биринчи қисмининг ўзбекча матнидаги** «оқинди» деган сўз «оқова» деган сўз билан алмаштирилсин;

7) **16-модданинг:** **биринчи қисми** қуйдаги тахрирда баён этилсин:

«Сув объектларидан ўтадиган кўприқлар, ўтиш йўлларини ва бошқа транспорт коммуникацияларини қуриш ҳамда реконструкция қилиш лойиҳалари сув ҳўжалиги, экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, сув ҳўжалиги объектларининг хавфсизлигини назорат қилиш органлари, Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирилиг ҳамда зарур ҳолларда, энергетика, архитектура, ва қурилиш органлари, Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирилиг билан (дарё транспорти юзасидан) келишиб олиниши лозим, шунингдек тошқин сувларини ўтказиб юборишни, сув объектларидан фойдаланиш режимини, сувларнинг ифлосланишига, булганишига ва камайиб кетишига йўл қўймасликни, уларнинг зарарли таъсирининг олдини олишни таъминловчи тадбирлар ўтказилишини назарда тутиши керак»;

иккинчи қисмидаги «қишлоқ ва» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

8) **128-модда:** **тўртинчи қисмидаги** «қишлоқ ва сув ҳўжалиги органлари» деган сўзлар «сув ҳўжалигининг фойдаланувчи ташкилотлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

қуйдаги мазмундаги **бешинчи** ва **олтинчи қисмлар** билан тўлдирилсин:

«Сув истеъмолчилари уюшмаларининг фаолиятини молиялаштириш ўз азозларининг ҳар йиллик аззолик бадаллари, шартнома асосида сув етказиб берганлик ва бошқа сув ҳўжалиги хизматлари учун тўловлар, шунингдек қўнўнчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

Сув истеъмолчилари уюшмалари сувдан фойдаланиш қоидалари бузилган, сувдан максасдиз фойдаланилган тақдирда, шунингдек лимитдан ортиқча сув олинган, аззолик бадаллари, сув етказиб берганлик ва бошқа сув ҳўжалиги хизматлари учун тўловлар ўз вақтида тўланмаган тақдирда, қўнўннинг ҳамда шартнома шартларининг аниқланган бузилишлари бартараф этилунига қадар сув истеъмолчиларига сув етказиб беришни тўхтатишга ҳақли»;

9) **19-модданинг матни** қуйдаги тахрирда баён этилсин:

«Сув объектлари ёки уларнинг қисмлари сувдан фойдаланиш объектлари бўлиши ва қўнўнчиликда белгиланган тартибда давлат-хусусий шериклик принциплари ҳамда бошқа шартлар асосида фойдаланишга берилиши мумкин, бундан сув омборлари, сел-сув

омборлари, шунингдек йирик ва алоҳида муҳим сув ҳўжалиги объектлари мустасно»;

10) **21-модданинг:**

тўртинчи қисмидаги «Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирилиг» деган сўзлар «Сув ҳўжалиги вазирилиг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

саккизинчи қисмидаги «қишлоқ ва» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

ўнинчи қисмининг ўзбекча матнидаги «Оқинди» деган сўз «Оқова» деган сўз билан алмаштирилсин;

11) **27-модданинг иккинчи** ва **учинчи қисмлари** қуйдаги тахрирда баён этилсин:

«Табий сув объектларининг сувидан махсус фойдаланиш ёки уларнинг сувини махсус истеъмол қилиш учун рухсатнома ер усти сувлари бўйича – сув ҳўжалиги органлари билан келишилган ҳолда экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш органлари, ер ости сувлари бўйича – геология ва минерал ресурслар органлари томонидан берилади.

Сўний сув объектларининг сувидан махсус фойдаланиш ёки уларнинг сувини махсус истеъмол қилиш учун рухсатнома:

Қорақалпоғистон Республикаси Сув ҳўжалиги вазирилигига, ирригация тизимлари ҳавза бошқармаларига, магистрал каналлар (тизимлар) бошқармаларига, сув омборларидан фойдаланиш бошқармаларига, трансчегаравий сув объектларидан, вилоятлараро аҳамиятга молик сув объектларидан, катта ва алоҳида муҳим сув ҳўжалиги объектларидан фойдаланувчи ташкилотларга, насос станциялари, энергетика ва алоқа бошқармаларига, мелiorация экспедицияларига, шунингдек бошқа сувдан фойдаланувчиларга ва сув истеъмолчиларига – республика ёки вилоятлараро аҳамиятга молик сув объектларидан Ўзбекистон Республикаси Сув ҳўжалиги вазирилиг томонидан;

ирригация тизимлари бошқармаларига, шунингдек бошқа сувдан фойдаланувчиларга ва сув истеъмолчиларига – вилоят ёки туманлараро аҳамиятга молик сув объектларидан Қорақалпоғистон Республикаси Сув ҳўжалиги вазирилиг, ирригация тизимлари ҳавза бошқармалари томонидан;

сув истеъмолчилари уюшмаларига, шунингдек бошқа сувдан фойдаланувчиларга ва сув истеъмолчиларига – туман аҳамиятга молик сув объектларидан туман (Кувасой шаҳар) ирригация бўлимлари томонидан;

ўзлари хизмат кўрсатадиган зонада жойлашган фермер ва деҳқон ҳўжалиқларига, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига ҳамда бошқа сув истеъмолчиларига – қишлоқ ҳўжалиги эҳтиёжлари учун сув объектларидан туман (Кувасой шаҳар) қишлоқ ҳўжалиги бўлими билан келишилган ҳолда сув истеъмолчилари уюшмалари томонидан берилади»;

12) **29-модданинг матнидаги** «қишлоқ ва» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

13) **30-модданинг иккинчи қисмидаги** «қишлоқ ва» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

14) **31-модданинг:**

биринчи қисмидаги «вақтинча фойдаланиш» деган сўзлар «вақтинча, шу жумладан давлат-хусусий шериклик асосида фойдаланиш» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

учинчи қисми қуйдаги тахрирда баён этилсин:

«Сувдан вақтинча фойдаланиш муддати уч йилдан кам бўлмаслиги ва қирқ тўқиз йилдан ошмаслиги керак»;

15) **35-модда биринчи қисми:**

бешинчи хатбошисининг ўзбекча матнидаги «оқинди» деган сўз «оқова» деган сўз билан алмаштирилсин;

ўнинчи хатбошиси қуйдаги тахрирда баён этилсин:

«сувни тежаш ва рақамли технологияларни жорий этиш чораларини қўриш»;

16) **35¹-модда биринчи қисми бешинчи хатбошисининг ўзбекча матнидаги** «оқинди» деган сўз «оқова» деган сўз билан алмаштирилсин;

17) **44-модданинг иккинчи қисми** қуйдаги тахрирда баён этилсин:

«Сув ҳўжалиги, экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, геология ва минерал ресурслар органлари тегишлилигига кўра шифобахш сувлар қаторига киритилган сув объектларидан, айрим ҳоллардагина соғлиқни сақлаш органлари ва курорт бошқармалари билан келишилган ҳолда бошқа мақсадлар учун фойдаланишга рухсат бериши мумкин»;

18) **45-модданинг ўзбекча матнидаги** «оқинди» деган сўз «оқова» деган сўз билан алмаштирилсин;

19) **48-модданинг тўртинчи** ва **бешинчи қисмлари** қуйдаги тахрирда баён этилсин:

«Сув истеъмолчилари уюшмаларининг сувдан фойдаланиш режалари туманлар (Кувасой шаҳар) ирригация бўлими, Қорақалпоғистон Республикаси Сув ҳўжалиги вазирилиг ва ирригация тизимлари ҳавза бошқармалари томонидан умумлаштирилади.

Қуйдалар:

туман (Кувасой шаҳар) ирригация бўлими туман (Кувасой шаҳар) қишлоқ ҳўжалиги бўлими билан келишилган ҳолда – сув истеъмолчилари уюшмалари бўйича;

Қорақалпоғистон Республикаси Сув ҳўжалиги вазирилиг ва ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ҳўжалиги вазирилигининг тегишли ҳудудий органлари билан келишилган ҳолда – туман (Кувасой шаҳар) ирригация бўлими бўйича;

Ўзбекистон Республикаси Сув ҳўжалиги вазирилиг – Қорақалпоғистон Республикаси Сув ҳўжалиги вазирилиг ҳамда ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси, йирик ва алоҳида муҳим сув ҳўжалиги объектлари бўйича тузилган ҳамда умумлаштирилган сувдан фойдаланиш режаларини тасдиқлайди»;

20) **49-модда:**

иккинчи қисмидаги «улар давлат мулки бўлиб, хусусийлаштирилиши мумкин эмас» деган сўзлар «улар давлат мулкдир» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

қуйдаги мазмундаги **учинчи** ва **тўртинчи қисмлар** билан тўлдирилсин:

«Сув ҳўжалигидан фойдаланувчи ташкилотларнинг сув ҳўжалиги объектлари ва иншоотлари белгиланган тартибда, давлат-хусусий шериклик принциплари асосида фойдаланишга берилиши мумкин. Сув омборлари, сел-сув омборлари, шунингдек йирик ва алоҳида муҳим сув ҳўжалиги объектлари хусусийлаштирилмайди»;

учинчи, тўртинчи ва бешинчи қисмлари тегишинча **бешинчи, олтинчи** ва **еттинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

21) **50¹-модда:**

қуйдаги мазмундаги **тўртинчи хатбоши** билан тўлдирилсин: «Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан ажратиладиган субсидиялар ҳисобига ишлаб чиқилган ва жорий этилган сувни тежовчи технологияларнинг камида беш йил қўлланилишини таъминлаши»;

тўртинчи – еттинчи хатбошилари тегишинча **бешинчи – саккизинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин;

«сувни тежаш имконини берадиган агротехника тадбирларини, шу жумладан ерларнинг шўрини ювишда лазерли усўна ёки узун базали ер текислагичлар ёрдамида ҳар уч йилда камида бир марта текислашни амалга ошириш»;

22) **51-модда:**

номининг ўзбекча матнидаги «Оқинди» деган сўз «**Оқова**» деган сўз билан алмаштирилсин;

биринчи қисми қуйдаги тахрирда баён этилсин:

«Қишлоқ ҳўжалиг акнларини оқова сувлар билан сўғориш давлат санитария назорати органлари билан келишилган ҳолда, экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш органларининг рухсати билан, белгиланган тартибда амалга оширилади»;

23) **56-модда:**

номидаги «саноат мақсадларида ва иссиклик энергетикаси эҳтиёжлари учун» деган сўзлар «**саноат мақсадларида ҳамда иссиклик ва атом энергетикаси эҳтиёжлари учун**» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

биринчи қисми қуйдаги тахрирда баён этилсин:

«Сув объектларидан саноат мақсадларида ҳамда иссиклик ва атом энергетикаси эҳтиёжлари учун фойдаланувчи сув истеъмолчилари, ушбу Қўнўннинг 35¹-моддасида назарда тутилган мажбуриятлардан ташқари, ишлаб чиқариш технологиясини тақомиллаштириш, сув таъминотининг айланма ҳамда такоррий тизимларини жорий этиш орқали сув сарфини камайтириш ва оқова сувларнинг оқибиз юборилишини тутатиш чораларини қўриши, шунингдек сувларнинг радиоактив ифлосланиши белгиланган нормалардан ошишига йўл қўймаслиги шарт»;

учинчи қисмининг русча матнидаги «сельского и» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

24) **59-модданинг биринчи қисмидаги** «қишлоқ ва» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

25) **60-модданинг иккинчи қисмидаги** «қишлоқ ва» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

26) **63-модданинг матни** қуйдаги тахрирда баён этилсин: «Сув объектлари балиқчилик ҳўжалиги эҳтиёжлари учун юридик шахсларга қўнўнчиликда назарда тутилган талабларга ва шартларга риоя этган ҳолда берилиши мумкин.

Сув объектларидан балиқчилик ҳўжалиги эҳтиёжлари учун фойдаланиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади»;

27) **64-модданинг биринчи қисми** қуйдаги тахрирда баён этилсин:

«Сув ҳавзаларида спорт ва ҳаваскорлик йўли билан балиқ овлашга овчилар ва балиқчиларнинг жамоат бирлашмаларига бириктирилган жойларда ушбу жамятларнинг рухсатномаси асосида бепул ёки ҳақ эвазига рухсат этилади, бундан давлат қўриқоналарининг, табиат богларининг ва давлат биосфера резерватларининг ҳудудларини сув ҳавзалари мустасно. Сув объектлари ёки уларнинг айрим участкалари овчилар ва балиқчиларнинг жамоат бирлашмаларига ваколатли орган томонидан белгиланган тартибда бириктирилиши мумкин»;

28) **68-модда иккинчи қисмининг ўзбекча матнидаги** «оқинди» деган сўз «оқова» деган сўз билан алмаштирилсин;

29) **70-модданинг иккинчи қисми** қуйдаги тахрирда баён этилсин: «Кема қатнови учун сув объектларидан фойдаланиш сув ҳўжалиги, экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш органлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирилиг билан келишилган ҳолда амалга оширилади»;

30) **XIX боб номининг ўзбекча матнидаги «Оқинди»** деган сўз «**Оқова**» деган сўз билан алмаштирилсин;

31) **74-модда:**

номининг ўзбекча матнидаги «оқинди» деган сўз «**оқова**» деган сўз билан алмаштирилсин;

биринчи ва **иккинчи қисмларининг ўзбекча матнидаги** «оқинди» деган сўз «оқова» деган сўз билан алмаштирилсин;

32) **75-модда:**

номининг ўзбекча матнидаги «оқинди» деган сўз «**оқова**» деган сўз билан алмаштирилсин;

ўзбекча матнидаги «оқинди» деган сўз «оқова» деган сўз билан алмаштирилсин;

33) **79-модданинг матни** қуйдаги тахрирда баён этилсин:

«Сув омборларидан фойдаланиш тартиби Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Сув ҳўжалиги объектлари хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси ва бошқа манфаатдор органлар билан келишилган ҳолда, ҳар бир сув омбори, сув омборлари тизмаси ёки тизими учун Ўзбекистон Республикаси Сув ҳўжалиги вазирилиг томонидан тасдиқланадиган қоидаларда белгиланади»;

34) **80-модданинг матни** қуйдаги тахрирда баён этилсин:

«Сув омборларининг тегишли техник ҳолатини ва ободонлаштирилишини таъминлайдиган тадбирларни уюштириш ва мувофиқлаштириш, шунингдек улардан фойдаланиш устидан назорат қилиш сув ҳўжалиги органлари ҳамда сув ҳўжалиги объектлари хавфсизлигини назорат қилиш органлари томонидан амалга оширилади»;

35) **82-модданинг:**

биринчи қисмидаги «қишлоқ ва» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

учинчи қисмидаги «Қишлоқ ва» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

36) **85, 86, 87** ва **90-моддаларнинг матнларидаги** «қишлоқ ва» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

37) **98-модданинг русча матнидаги** «сельского и» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

38) **99-модда:**

биринчи қисми қуйдаги мазмундаги **олтинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«сув объектларининг сувни муҳофаза қилиш ва санитария-муҳофаза зоналари режимини бузиш»;

иккинчи қисмининг ўзбекча матнидаги «Оқинди» деган сўз «Оқова» деган сўз билан алмаштирилсин;

39) **101-модда:** **иккинчи қисмидаги** «экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, қишлоқ ва сув ҳўжалиги органларига» деган сўзлар «геология ва минерал ресурслар органларига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

учинчи қисмининг ўзбекча матнидаги «оқинди» деган сўз «оқова» деган сўз билан алмаштирилсин;

қуйдаги мазмундаги **тўртинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Ер ости сувларига қудуқларни бурғилаш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси томонидан берилган рухсатнома асосида амалга оширилади»;

тўртинчи, бешинчи ва **олтинчи қисмлари** тегишинча **бешинчи, олтинчи** ва **еттинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

40) **102-модданинг биринчи қисмидаги, 103-модданинг биринчи хатбошисидаги, 104-модданинг учинчи қисмидаги** «қишлоқ ва» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

41) **105-модданинг матни** қуйдаги тахрирда баён этилсин:

«Сув етказадиган зарарли таъсирдан муҳофаза қилиш, зарарли таъсирнинг олдини олиш ва уни бартараф этиш тадбирлари Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан молиялаштириладиган ташкилотларнинг балансидаги объектларда тегишли бюджет маблағлари ҳисобидан, сув истеъмолчилари балансидаги объектларда эса уларнинг ўз маблағлари ҳисобидан амалга оширилади»;

42) **110-модданинг иккинчи қисмидаги** «Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирилиг» деган сўзлар «Сув ҳўжалиги вазирилиг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

43) **111-модданинг матни** қуйдаги тахрирда баён этилсин: «Сувдан комплекс фойдаланиш ва уни муҳофаза қилишнинг бош ва ҳавза (ҳудудий) жадваллари, шу

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ТАШАББУСЛАРИНИНГ АМАЛГА ОШИРИЛИШИ БАРЧА ИШТИРОКЧИ ДАВЛАТЛАРГА МАНФААТ КЕЛТИРАДИ

Шу боис, ишончим комилки, Ўзбекистон Президентининг ташаббуслари амалга оширилиши ташкилот доирасидаги ўзаро ҳамкорлик механизмларини янада такомиллаштиришга ва ИХТга аъзо ҳар бир давлат ҳамкорликдан фойда кўришига хизмат қилади.

Далия ЧАКАР, «Ўзбекистон — Нидерландия» дўстлик жамғармаси раиси:



— ИХТга аъзо деярли барча мамлакат ўз тараққиётининг жадал босқичида ва улар икки томонлама, минтақавий ҳамда халқаро ҳамкорликни ривожлантириш ва кенгайтиришга муҳтож. Аънанага кўра, Ўзбекистон раҳбари ўз нутқида халқаро ва минтақавий вазиятга, давом этаётган пандемия ша-

роитидаги иқтисодий қийинчиликларга эътибор қаратди ва ҳамкорликнинг устувор йўналишлари бўйича қатор амалий тақлифлар билдирди.

Ўзбекистон Президентининг ташкилот доирасида савдо тўсиқларини олиб ташлаш, божхона тартиб-таомилларини рақамлаштириш ва электрон тижорат механизмларини жорий этиш билан боғлиқ янгиланган ва кенг қамровли Савдо битимини қабул қилиш тақлифи алоҳида эътиборга сазовор.

Шавкат Мирзиёев транспорт йўлаklarини,

минтақалараро транзит марказларини ривожлантириш, замонавий транспорт ва йўл инфра-тузилмасини такомиллаштириш муҳимлигини яхши англайди, шу боис мамлакатларнинг транспорт-коммуникация алоқаларини мустаҳкамлаш ва транзит салоҳиятини кенгайтиришга қаратилган Минтақавий стратегияни ишлаб чиқишни тақлиф қилди.

Сайёҳлик соҳасидаги мутахассис сифатида Ўзбекистон Президентининг сайёҳлик алмаши-нувини тиклаш муҳимлиги, хусусан, унинг Хавфсиз сайёҳликни ривожлантириш умумминтақавий дастурини қабул қилиш ташаббуси ҳақидаги ғояларини олқишлайман.

Ўзбекистон раҳбари Афғонистондаги бугунги мураккаб вазият ҳақида алоҳида тўхталиб ўтди. Президент ўз нутқида ушбу мамлакат кун сайин оғир гуманитар инқирозга кириб бораётганини таъкидлади. Халқаро ҳамжамият, жумладан, яқин қўшнилар ёрдамисиз афғон халқи якка ҳолда бу қийин синовлардан ўта олмаслигини яна бир қара қайд этди. Бу фикрлар мутлақо тўғри ва долзарбдир.

Анна ПАУН, «Neue Zeiten» журналининг Шарқий Европа ва МДХ мамлакатлари бўйича иқтисодий шарҳловчиси:

— Президент Шавкат Мирзиёевнинг сиёсий иродаси туфайли 2016 йилдан буён Ўзбекистон халқаро ҳамжамиятга очилди ва янги Ўзбекистон Марказий Осиё давлатларини яқинлашти-риш жараёнининг марказига айланди.

Шу билан бирга, минтақани ўзгартириш сари



лар доирасида фаол ишлашга тайёрглигини эълон қилганини таъкидлашни истар эдим. Ўзбекистон ИХТга раислик қилишни ўз зиммасига олди ва қатор муҳим ташаббусларни илгари сурди. Бу эса мамлакат 2016 йилда танлаган очиклик ва ҳам-корликка тайёрлик йўлини қандай давлом эттираёт-ганини яна бир бор кўрсатди.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Президенти Аф-ғонистондаги воқеалар шароитида Марказий ва Жанубий Осиё минтақаларида пандемия давом этаётган ва кескинлашиб бораётган ҳозирги ва-зиятда қатор долзарб масалаларни кўтариб чиқ-ди. Хусусан, у барча аъзо мамлакатларни умум-ий ёндашувларни ишлаб чиқиш ва узоқ жабр кўрган афғон халқига зарур ёрдам кўрсатиш бўйича сайё-ҳаракатларга қўшилишга чақирди. Ўзбекистон раҳлир Афғонистон билан ҳамкор-ликда минтақавий аҳамиятга молик йирик сав-до, транспорт ва энергетика лойиҳаларини амал-га оширишни изчил давлом эттиришга даъват қилди, бу, шубҳасиз, Афғонистонни барқарор-лаштиришнинг энг яхши стратегиясидир.

Президент Шавкат Мирзиёев минтақа мам-

лакатлари давлат ва ҳукумат раҳбарларининг эътиборини 500 миллион аҳолига эга улкан бо-зорнинг мавжуд салоҳиятидан янада тўлароқ фойдаланиш зарурлигига қаратди.

Нутқда ИХТда иқтисодий алоқаларни чуқур-лаштиришнинг катализатори бўлган транспорт ва транзит соҳасига ҳам алоҳида эътибор қар-тилди. Минтақалараро транзит марказларини яратиш, замонавий транспорт ва йўл инфра-тузилмасини ривожлантириш, транспорт ва тран-зит тарифларини оптималлаштириш ва қўшимча чегирмалар бериш, халқаро юк ва йўловчи таш-иш учун шарт-шароитларни соддалаштириш ва транспорт соҳасига рақамлаштиришни жорий этиш муҳимлиги қайд этилди. Ушбу режаларни амалга ошириш учун транспорт-коммуникация алоқаларини ривожлантириш ва ИХТга аъзо дав-латларнинг транзит салоҳиятини кенгайтиришга қаратилган Минтақавий стратегияни ишлаб чи-қиш зарурлиги таъкидланди.

Ишончим комилки, ушбу ташаббусларнинг амалга оширилиши барча иштирокчи давлатлар, жумладан, халқаро инвесторлар ва тadbиркор-ларга ҳам манфаат келтиради.

Ҳикмат ЭРЕН, «EkoAvrasya» Евроосиё иқтисодий алоқалар уюшмаси бошқаруви раҳбари (Туркия):

— Ўзбекистон Президенти саммитдаги нутқи-да ИХТни динамиқ тузилма сифатида мус-таҳкамлаш, аъзо давлатлар ўртасида савдо, транспорт коммуникациялари, санaт коопе-рацияси ва туризм соҳаларидаги ҳамкорликини



чучураштиришга қаратил-ган кўп томонлама шерик-ликни янада кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратди. Шунингдек, саммит давомида Ўзбекистон раҳбари томонидан таш-килот доирасида янгилан-ган ва кенг қамровли Савдо битимини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш бўйича илгари сурилган та-шаббус жуда долзарбдир.

Рақамли технологиялар

ривожланишининг ҳозирги даврида савдо бити-мини янгилаш ИХТга аъзо мамлакатлар сайё-ҳаракатларини мустаҳкамлашга ҳамдадам бўла-ди ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш ҳамда транспорт ва логистика коммуникацияла-ри учун истиқболли йўналишга айланади.

Ушбу ҳужжат савдо тўсиқларини бартараф этиш, божхона тартибларини рақамлаштириш ҳамда ҳозирги вақтда долзарблиги тобора ошаётган электрон савдонинг кенг татбиқ этиш масалаларини ўз ичига олганини назарда тутиш, Ўзбекистон Президенти томонидан ушбу тақлиф-нинг ишлаб чиқилиши ва амалга оширилиши минтақа давлатлари иқтисодиётини ривожланти-риш ва ташкилот доирасида давлатларнинг савдо-иқтисодий алоқаларини мустаҳкамлаш учун рағбат бўлиб хизмат қилади.

«Дунё» АА.

ИНВЕСТИЦИЯ ДАСТУРЛАРИНИНГ ХОРАЗМДАГИ ИЖРОСИГА БАҒИШЛАНДИ

Сенатнинг Халқаро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари қўмитасининг Хоразм вилоятида инвестиция ва ташқи иқтисодий салоҳиятни ошириш юзасидан Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги томонидан амалга оширилаётган ишларга бағишланган мажлиси бўлиб ўтди.

Эшитув

Унда инвестициялар ва ташқи савдо вазири ўринбосари О. Рустамовнинг 2020-2021 йилларда вазирлик томонидан республика ва ҳудудий инвестиция дастурлари тегишли бандларини амалга ошириш, экспортни рағбатлантириш ва инвесторлар учун қулай шарт-шароит яратиш борасида вилоятда амалга оширилган ишлар тўғрисидаги ахбороти эшитилди.

Таъкидланганидек, Президентимизнинг юртимизда қулай инвестициявий муҳитни шакллантириш, ҳудудларнинг экспорт салоҳиятини рағбатлантириш бўйича ўз вақтида чиқарилган ва узоқни кўзалган қарорлари туфайли Хоразмда тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳажми барқарор ўсиб бормоқда. Жумладан, 2020 йил якунига кўра, вилоятга 102,6 млн. долларлик инвестиция киритилган бўлса, 2021 йил 1 ноябрь ҳолатига кўра, хорижий инвестициялар миқдори 179 млн. доллاردан ошди.

Ҳудудий инвестиция дастурида назарда тутилган 192 та инвестиция лойиҳаси самарали амалга оширилиши натижасида 12 минг 200 та янги иш ўрни яратилди.

Шу билан бирга, вилоятда экспорт қилувчи қорхоналарни яхлит қўллаб-қувватлаш тизими барпо этилди. Натижа шунга яраша бўлмоқда. Агар 2019 йилда экспорт қилинадиган товарлар рўйхатида 162 та маҳсулот киритилган бўлса, 2021 йилга келиб бу кўрсаткич 270 тага етди.

Қолаверса, экспорт ҳажми ўсишига эришилди. 2020 йилда бу кўрсаткич 173,6 млн., жорий йилнинг 10 ойида эса 194,4 млн. доллари ташкил этган.

Қўмита мажлисида сенаторлар ҳудудда ташқи иқтисодий фаолиятни муваффақиятли олиб боришга, қабул қилинган инвестиция дастурларини ўз вақтида ва сифатли амалга оширишга тўсиқлик қилаётган омиллар ҳамда вилoятнинг айрим инвесторлари ва экспорт қилувчи қорхоналари муаммолари юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Жумладан, республика ва ҳудудий инвестиция дастурига киритилган бир қатор лойиҳаларни кеч амалга ошириш ёки тўхташиб қўйиш ҳолатлари қайд этилди. Республика дастуридаги умумий қиймати 418 млн. АҚШ долларига тенг 14 та инвестиция лойиҳасидан бугунги кунга қадар 263,7 млн. долларлик 2 та лойиҳа кеч амалга оширилмоқда, битта лойиҳа эса истиқбoлсиз деб топилиб, тўхташиб қўйилган. Бундай ҳолат ҳудудий дастурлар ижросида ҳам кузатилади.

Сенаторлар ҳудудий экспорт географияси етарлича диверсификация қилинмаганини ҳам айтиб ўттиди. Экспорт умумий ҳажмининг 73 фоиздан ортиги 5 та мамлакатга тўри келади. Ўз маҳсулотларини экспорт қилувчи ҳудудий қорхоналарнинг истиқболли ташқи бозорларга, айниқса, қўшни давлатлар чегарадо вилоятларига чиқишини фаоллаштириш зарурлигига ҳам урғу берилди.

Шунингдек, тadbирда солиқ имтиёзи ва преференцияларни қўллашдаги нувоуовчиликлар ҳамда муҳандислик инфратузилмаси мукамал эмаслиги боис “Ҳазорасп” махус иқтисодий зонаси ва ҳудуднинг қатор кичик саноат зоналари резидент-қорхоналари фаолиятида қоникарсиз кўрсаткичлар қайд этилганига эътибор қаратилди. Хусусан, 2017 йилдан буён жами 115,8 млн. долларлик инвестицияга эга 15 та қорхона “Ҳазорасп” МИЗ резидентларига айланди, жорий йилнинг 10 ойида экспорт ҳажми атиги 4,1 млн. доллари ташкил этди, бу эса МИЗ бўйича дастлаб белгиланган индикаторлардан анча паст.

Мажлиса хорижий ва маҳаллий инвесторлар, экспорт қилувчи қорхоналар фаолиятидаги муаммолар ҳам атрофлича муҳокама қилинди. Инфратузилмани, банк-молия тизимини такомиллаштириш, ер участкаларини ажратиш, бюрократик тўсиқларни камайтириш бўйича тақлифлар илгари сурилди. Айни чоғда тегишли парламент назоратини ўрнатиш ва жойларда Сенат аъзолари, шунингдек, маҳаллий Кенгашлар депутатлари томонидан фаол ёрдам кўрсатиш муҳимлиги ҳам айтиб ўтилди.

Муҳокама қилинган масалалар юзасидан Сенат қўмитасининг тегишли қарори қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

ДЕПУТАТЛАР ХАЛҚ ИЧИДА ЮРИБ, ҲАР БИР ФУҚАРОНИНГ ДАРДИНИ ЭШИТМОҚДА

Мамлакатимизда қишлоқ ҳўжалиги кластер тизими асо-сида ривожлантирилмоқда. Пахта-тўқимачилик, галланилик, узумчилик кластерлари сифат ва даромад жиҳа-тидан изчил ўсмоқда. Мева-сабзавот-чиликда ҳам кўплаб кластерлар таш-кил этилган.

Президентимиз раислигида 24 но-ябрь куни мева-сабзавотчилик ва деҳқон ҳўжаликларини ривожлантириш чора-тадбирлари муҳокамасига бағиш-лаб ўтказилган видеоселектор йиғи-лишида бу масалага алоҳида эътибор қаратилиб, мева-сабзавотчилик клас-терлари, деҳқон ҳўжаликлари ва то-морқачиликни ривожлантириш, уларни молиялаштириш, агрохизматлар қўла-мини кенгайтириш бўйича янги тизим жорий этилиши таъкидланганди.

Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари А. Хантов ҳамда депутат А. Тулегенова Навоий вилоятидаги учрашувлари доирасида йиғилишида белгилаб берилган вазифалар ижро-сини ўрганди. Жумладан, давлатимиз раҳбарининг шу йил 23 ноябрдаги тегишли қарорига асосан Қонимех туманида пахта ва галладан қис-қартирилиб, аҳолига деҳқон ҳўжалиги ташкил этиш учун берилиши мўлжал-ланаётган ер майдонларининг мелио-ратив ҳолати билан танишилди.

Узаро мулоқотлар чоғида сўнгги йилларда қишлоқ ҳўжалигини ислоҳ қилиш ва соҳага бозор механизмла-рини жорий этиш борасида амалга оширилаётган изчил чора-тадбирлар, бугунги кунда юртимизда етиштири-лаётган 80 турдан ортиқ қишлоқ ҳўжа-лиги маҳсулотлари дунёнинг 66 та мамлакатига экспорт қилинаётгани қайд этилди.

Очиқ мулоқотларда 30 га яқин му-аммоли масалалар ўртага ташланди. Улар, асосан, тиббий хизмат кўр-сатиш, таълим, бандлик, инфратузил-ма ҳамда тadbиркорлик йўналишида бўлиб, аксарият масала жойида ҳал этилди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Одинахон Отахонова Шаҳри-хон туманидаги “Иномжон фойз” кўп тармоклик фермер ҳўжалигида бўлди. Халқ вакили бу ерда “Аграр соҳа ис-лоҳотлари — менинг тақдиримда” мав-зуида ўтказилган тadbирда иштирок этди ва мамлакатимизда қишлоқ ҳўжа-лиги соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар ҳақида йиғилганларга сўзлаб берди.

Шунингдек, Андижон қишлоқ ҳўжа-лиги ва агротехнологиялар институти

қошидаги “Фермерлар мактаби” тингловчилари билан учрашувда чо-рвачилик соҳасидаги янгиликлар хусу-сида фикр алмашилди.

— Маълумки, айни кунларда мам-лакатимизда “Яшил макон” умуммил-лий лойиҳаси доирасидаги ишлар авж палласида. Бу тadbирларда парлам-ент аъзолари ҳам фаол иштирок этмоқда.

Депутатнинг шахрихонлик сайлов-чилар билан учрашувлари мазкур лойиҳа доирасидаги тadbирда ишти-роки билан бошланди. Халқ вакили Беш маҳалла маҳалласи ҳудудидаги анҳор четларига, йўл ёқаларига 200 турга яқин мевали ва манзарали дарахт кўчатлари ўтказиш ишларида қатнашди.

Шундан сўнг бўлиб ўтган учрашу-вларда халқ вакили туманнинг бир қатор маҳаллаларида бўлиб, бемор-лар ҳолидан хабар олди, уларга зарур дори воситалари етказиб берилишида кўмаклашди. Аҳоли томонидан кўта-рилган бир қанча масалалар ижобий ҳал этилди, ечими вақт талаб этади-ганлари бўйича муддат белгиланиб, ижроси назоратга олинди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Шербек Бўроновнинг Пахта-чи ва Нарпай туманларида сайловчи-лар билан учрашуви гоят самарали кечди. Учрашувларда фуқароларга янги қабул қилинган қонун, Фармон ва қарорлар, уларнинг мазмун-моҳияти ҳақида маълумот берилди. Ўз навба-тида, сайловчилар муаммолар ечими-да халқ вакилига ишонишини бил-дирди.

Масалан, депутатга Нарпай туман-идаги Тортуби маҳалла аҳолисидан ичимлик суви бўйича муурожаат бўлган эди. Қарангки, яқинда ушбу маҳалла-га 12 километр сув қувури ўрнатилиб, ичимлик суви муаммоси ҳал этилди. Шунингдек, депутат ташаббуси билан тумандаги Дедан ва Қозиеқли маҳал-лаларига янги трансформатор ўрна-тилди.

Эътиборли томони, депутат ёрдами билан бир неча кун олдин “Худудий электр тармоклари” АЖ томонидан Са-марқанд вилояти учун ажратилган “Бе-ларусь 82.1” русумли (ямабур) трак-торидан бирини Пахтачи туманига олиб келишга эришилди. Бу, албатта, туман аҳолисидан оғирини енгиллаш-тириш, уларга қулай меҳнат шароит-лари яратишга хизмат қилади.

Халқ вакилининг аҳоли билан учра-шувларида Нарпай туманидаги 35, 36-умумтаълим мактаблари жамоаси ва кўп сонли ота-оналар физика-кимё фан-

лари учун лаборатория жиҳозлари олиб беришда амалий ёрдам сўраб мууро-жаат қилган эди. Парламент аъзоси-нинг сайё-ҳаракати билан ушбу маса-ла ҳам ҳал этилди, вилоятда биринчи-лардан бўлиб ушбу мактабларга за-монавий лаборатория олиб келинди.

Хусусан, парламент қўйи палатаси депутати Урол Ўрозбоев Жиззах вилоятининг Шароф Рашидов туманида-ги “Қангли”, “Нурафшон”, “Ёйилма”, “Тоқчилик”, “Равалик” ҳамда “Якка-қайрағон” маҳалла фуқаролар йиғин-лари аҳолиси билан учрашувлар ўт-казди.

Депутат дастлаб учрашувларда Президентимизнинг лавозимга ки-ришиш тантанали маросимига бағиш-ланган Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисидаги нутқидаги энг му-ҳим тамойиллар ҳамда Янги Ўзбекис-тон тараққиёт стратегияси ҳақида батафсил тушунтириш берди.

Халқ вакили аҳоли билан очиқ ва самимий суҳбатлар чоғида уларни йўналишга рағбатлантириш билан, ўз ечимини кўтаётган муаммолар билан қизиқ-ди. Фуқаролар томонидан ўртага таш-ланган аксарият масалалар жойида ҳал этилди, айримлари назоратга олинди.

Учрашувларда туман миқёсидаги 35 та, шунингдек, вилоят бўйича 25 та, республика даражасида эса 15 та ҳал этилиши лозим бўлган ма-салалар юзасидан тегишли чора-тад-бирлар белгилаб олинди.

Қонунчилик палатаси депутати Назир Собировнинг ўз сайловчилари билан бу галги учрашуви ҳам ишчан-лик руҳида кечди.

У Олот туманидаги 18, 20 ва 28-умумтаълим мактабларида бўлиб, таълим масканларининг қиш масу-мига тайёргарлигини кўздан кечирди. Шунингдек, “Човдир” маҳалла фуқа-ролар йиғинида қад рoсланган қишлоқ оилавий врачлик пункти фаолияти билан танишди.

Ўтган йилнинг декабрь ойида бўлган мулоқот чоғида аҳоли вакиллари қиш-лоқда шифо маскани йўқлигини ай-тиш, мазкур масала ечимида ёрдам сўрашганди. Қарангки, халқ вакили ҳамда туман ҳокимлигининг сайё-ҳара-кати билан барпо этилган янги қишлоқ оилавий врачлик пункти бугун аҳоли хизматида. Эътиборлиси, айни дамда йигирмага экин тиббиёт ходимлари меҳнат қилаётган ушбу шифо маска-ни замонавий тиббий асбоб-ускуна-лар билан жиҳозланган.

Қайд этилишича, бу даврда вилоятдаги 1 минг 114 та маҳаллалар 428 тасида жиноят содир эти-лишига йўл қўйилмади. 254 тасида жиноятлар сони барқарор сақланди ва камайди. 432 тасида эса жиноятлар ошган. Афсуски, 686 маҳаллада жино-ятлар кузатилган. Умуман олганда, ҳисобот дав-рида Самарқанд вилоятида 5 минг 317 та жиноят қайд этилди ва бу ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 1 минг 830 тага кўп демакдир.

Йўл-транспорт ҳодисалари билан боғлиқ 825 та жиноят қайд этилган. Бу ҳолатларнинг 336 таси транспорт воситаси тезлигини ошириш, 104 таси қуввиб ўтиш қондиларини бузиш, 54 таси транспорт воситасини бошқариш пайтида уҳлаб қрилиш оқибатида юзага келган. Энг ачинарлиси, ўлим билан боғлиқ йўл-транспорт ҳодисалари 235 тани ташкил этмоқда.

Ҳайвонларнинг рейтинг кўрсаткичларида кўра, “Туманининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ҳолатини яхшилаш юзасидан амалий чора-тадбир-лар дастури”нинг ижроси тўғрисида”ги ҳисоботи депутатлар томонидан қабул қилинмади.

Шундан сўнг вилоят ички ишлар бошқармаси бошлиғи Ш. Раҳмонов 2021 йилнинг 10 ойи даво-мида жиноятчиликнинг барвақт олдини олиш ва ҳуқуқбузарликка қарши курашиш борасида олиб бoрилаётган ишлар юзасидан ҳисобот берди.

Қайд этилишича, бу даврда вилоятдаги 1 минг 114 та маҳаллалар 428 тасида жиноят содир эти-лишига йўл қўйилмади. 254 тасида жиноятлар сони барқарор сақланди ва камайди. 432 тасида эса жиноятлар ошган. Афсуски, 686 маҳаллада жино-ятлар кузатилган. Умуман олганда, ҳисобот дав-рида Самарқанд вилоятида 5 минг 317 та жиноят қайд этилди ва бу ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 1 минг 830 тага кўп демакдир.

Йўл-транспорт ҳодисалари билан боғлиқ 825 та жиноят қайд этилган. Бу ҳолатларнинг 336 таси транспорт воситаси тезлигини ошириш, 104 таси қуввиб ўтиш қондиларини бузиш, 54 таси транспорт воситасини бошқариш пайтида уҳлаб қрилиш оқибатида юзага келган. Энг ачинарлиси, ўлим билан боғлиқ йўл-транспорт ҳодисалари 235 тани ташкил этмоқда.

Муассаса фаолияти билан танишув жараёнида аҳолига кўрсатилаётган тиббий-санитария ёрдами сифатини ошириш, соғлом турмуш тарзини тар-ғиб қилиш борасида амалга ошири-лаётган ишлар хусусида фикр ал-машилди.

Парламент қўйи палатаси депутати Наврўзбек Юсупов Андижон вилояти-нинг Избоскан туманида бўлиб, “Ро-вот” ҳамда “Ўрта қишлоқ” маҳалла фуқаролар йиғинлари аҳолиси билан учрашувлар ўтказди.

— Тан олиш керак, бугунги кунда эътибордан четда қолаётган соҳанинг ўзи йўқ, — деди депутат суҳбат жара-ёнида. — Жумладан, маҳалла идора-ларида ҳам фуқароларни қабул қилиш, улар билан ишлаш бўйича етарли ша-роитлар яратилмоқда. Маҳалла идо-раси аҳолининг энг яқин, яхши кунда ҳам, қийинчилик пайтида ҳам ҳамфикр, фуқароларнинг долзарб муаммолари-ни ҳал этишда муҳим ўрин тутди. Агар бу ерда муурожаатчилар билан ишлаш тўғри йўлга қўйилса, фаоллар-нинг билим ва тажрибаси мунтазам шакллантириб берилса, ўйлайманки, маҳалла том маънода ҳамжиҳатлик ва меҳр-оқибат масканига айланиб, унинг жамият ҳаётидаги ўрни ва нуфузи то-бора юксалиб бoриши, шубҳасиз.

Халқ вакили маҳаллаларда аҳоли-нинг эҳтиёжидан қатламани қўллаб-қувватлаш, таълим-тарбия самарадор-лиги, фарзандлар тарбиясида ота-она-ларнинг ролини кучайтириш, миллий қадриятларимизни ёшлар онгига синг-дириш, одамларнинг жамиятимиздаги ислохотлардан баҳрамандлик даража-сини ошириш борасида суҳбатлашиш асосида ҳудудни ободонлаштириш, хусусан, “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида олиб бoрилаёт-ган ишлар билан ҳам танишди.

Наманган вилоятидаги учрашувлар-ни Норин туманидаги Хожинтол ма-ҳалласидан бошлаган Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Зафар Худойбердиев дастлаб фуқароларни қонун ижодкорлиги борасидаги янги-ликлар билан батафсил таништирди.

Шундан сўнг халқ вакили уйма-уй юриб сайловчилари билан мулоқот қилди, аҳолининг тақлиф ва мулоха-заларини тинглади. Ушбу маҳаллада истиқомат қилаётган фуқароларнинг аксарияти депутатдан битта масала-да, яъни узоқ йиллардан буён қаров-сиз қолаётган ички йўллари таъмир-лашда амалий ёрдам сўради.

Уйчи туманининг Бўстон маҳалла-

сидаги учрашувда эса сайловчилар ҳудуддаги эъбиратгоҳни таъмирлаш, шу-нингдек, Аҳси маҳалласидаги канали-зация тармоғини янгилаш масалала-рини ўртага ташлади.

Фуқаролар кўтарган муаммо жойи-да ўрганилиб, унинг ечими юзасидан тегишли вазирлик ва идораларга де-путатлик сўрови юбориладиган бўлди.

Парламент аъзоси жойлардаги уч-рашувлар доирасида бир қатор тад-бирларда, жумладан, Қурама маҳал-ласидаги кўчат экиш акциясида ишти-рок этди. Тумандаги 9-умумтаълим мактабда уюштирилган “Ф

Парламент назорати

ДАВЛАТ ТИББҲИЙ СУҒУРТА МЕХАНИЗМЛАРИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ҲОЛАТИ ҚАНДАЙ?

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Фуқароларнинг соғлигини сақлаш масалалари қўмитаси томонидан Молия вазирлиги вакиллари, Соғлиқни сақлаш вазирлиги мутасаддилари, Сирдарё вилояти ҳокимлиги, вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси раҳбарлари иштирокида “Соғлиқни сақлаш тизимини ташкил этишнинг янги модели ва давлат тиббий суғуртаси механизмларини жорий этиш ҳолатини Сирдарё вилоятида назорат-таҳлил тартибида ўрганиш якунлари”га бағишланган йиғилиш ўтказилди.

Унда асосий эътибор Президентимизнинг 2020 йил 12 ноябрдаги “Соғлиқни сақлаш тизимини ташкил этишнинг янги модели ва давлат тиббий суғуртаси механизмларини Сирдарё вилоятида жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорида белгиланган вазифаларнинг вилоятдаги ижросига қаратилди.

Таъкидланганидек, мазкур ҳужжат аҳолига тиббий ёрдам қўрсатишнинг сифати, самардорлигини ошириш, бирламчи тиббий-санитария ёрдами кўламини кенгайтириш, соҳага босқичма-босқич тиббий суғурта тизимини жорий этиш, тиббий хизматлар бозорида замонавий рақобат муҳитини яратиш, шу асосда аҳолининг кафолатланган ва сифатли тиббий ёрдам олиш имкониятларини кенгайтириш мақсадига қабул қилинган. Бу амалиёт дастлаб, тажриба-синов лойиҳаси доирасида Сирдарё вилоятида синовдан ўтказилиши кўзланиб, натижасига кўра республикада жорий қилиш режалаштирилган.

Ўтган вақт мобайнида қарорда белгиланган вазифаларни бажариш юзасидан зарур ҳужжатлар ишлаб чиқилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетни маблағлари хисобидан қопланмаган тиббий хизматлар ҳажми ва дори воситалари рўйхати (кафолатланган пакет), кўп тармоклик марказий поликлиника (филиал)лар, оилавий поликлиника (филиал)лар ҳамда оилавий шифокорлик пунктлари тиббий ва бошқа ходимларининг янги шпат меъёрлари тасдиқланди.

Қайд этилганидек, Сирдарё вилоятида тажриба-синов тартибидеги тиббийни ташкил қилишнинг янги модели ва давлат тиббий суғуртаси механизмларини жорий этиш, аҳолига кафолатланган пакет доирасида тиббий хизматлар қўрсатиши йўлга қўйиш бўйича муайян ишлар амалга оширилди.

Хусусан, патронаж кўриклари мақбуллаштирилган ҳолда, янгиланган мақсадли патронаж тизими жорий қилиниб, оммавий шаклдаги профилактика ва чуқурлаштирилган кўриклар ўрнига мақсадли скрининг дастурлари, тотал патронаж ўрнига универсал-прогрессив патронаж тизими жорий қилинди.

Шунингдек, вилоятдаги туман ва шаҳар тиббий бирлашмаларида оилавий шифокорга ёрдам берадиган терапия, педиатрия, акушерлик, патронаж

бўйича ўрта тиббий ходимларидан иборат бўлган 421 та “тиббий бригадалар” ташкил қилиниб, уларда 1 минг 883 нафар тиббий ходими фаолияти йўлга қўйилди. Вилоятнинг туман ва шаҳар ҳудудларидаги аҳоли саломатлик ва физиологик ҳолатидан келиб чиқиб, ҳавф (таънч, паст, ўрта ва юқори) гуруҳлари бўлиган. Хатлов на-тижаларига кўра, 846 мингдан зиёд аҳолининг 801 минг 358 нафари патронаж тизими билан қамраб олинди.

Тажриба-синов лойиҳаси доирасида Сирдарё вилояти соғлиқни сақлаш тизими ташкилотлари молиялаштиришнинг янги тизимига ўтиши муносабати билан, шу йил 1 июль кунин Давлат тиббий суғуртаси жамғармаси ҳамда туман, шаҳар тиббий бирлашмалари ва вилоят муассасалари ўртасида умумий қиймати 193 171,8 миллион сўмлик шартномалар тузилди.

Кафолатланган пакет доирасида тиббий текширувларни амалга ошириш ва малакали тиббий хизмат қўрсатиши ташкил қилиш мақсадига 2021 йилда вилоятдаги муассасаларга бир қатор тиббий жиҳазлар етказиб берилди. Хусусан, бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларида кафолатланган пакет доирасида 12 турдаги лаборатор ҳамда 12 турдаги диагностика текширувларини ўтказиш йўлга қўйилган. Вилоятдаги тиббий муассасаларига оптик толали алоқа кабелли тортилди. Икки локал тармоклар яратилмоқда ва мавжудлари модернизация қилинмоқда.

Назорат-таҳлил тадбирида депутатлар бирламчи тиббий-санитария ёрдами мутахассисларини диагностика ва даволаш стандартлари, клиник баённомалар билан тўлиқ таъминлаш, “электрон поликлиника” тизими тўлиқ фаолият юритишига эътибор қаратиш, давлат тиббий суғуртаси механизмларини жорий қилиш борасидаги ишларни кучайтириш, тиббий муассасаларга фаолиятининг ўзаро интеграцияси учун тизимини компьютер технологиялари билан тўлиқ таъминлаш ишларини охирига етказиш ва бошқа масалалар бўйича ўз фикрларини билдириб, қатор таклифлар берди.

Тадбирда кун тартибидеги масала юзасидан қўмитанинг тегишли қарорин қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

ЗАМОНАВИЙ ДУНЁНИ БИЛИМ ОРҚАЛИ БОШҚАРИШ МУМКИН

Китобхонлар яхши билишса керак, яқинда таниқли олимлар Муртазо Раҳматов ҳамда Бакридин Зарипов ҳаммуаллифлигида “Янги Ўзбекистон учинчи Ренессанс оstonасида” номли асар дунё юзини кўрди.

Хали сиёҳи қуриб улгурмаган ушбу китобни катта ҳаяжон ва қизиқиш билан бир нафасда ўқиб чиққан илк ўқувчилардан бири сифатида, айтишим мумкинки, унинг оҳанрабоиси бор. Яъни юртимизда амалга оширилаётган шиддатли ислохотлар самараси ҳалқона тил, содда услубда ҳикоя қилинган. Айни шу жиҳат ўқувчи эътиборини бир зум бўлса-да, чалғитмасдан дунё тамаддунига катта ҳисса қўшган заминимиздаги биринчи ва иккинчи Ренессанс даврларига ҳаёлан сайр эттиради.

Китобингизни ўқидим

Айни пайтда янги Ўзбекистонни бунёд қилиш ҳамда яна бир Ўйғониш даврига мустаҳкам асос яратиш мақсадида юзга чиқарилаётган кенг кўламли янгиланишлар билан таништиради. Энг асосийси, бугун илм-фан, таълим соҳасида олиб борилаётган улкан сайёҳаракатлар учинчи Ренессанс учун пой-девор бўла олиши илмий асослаб берилган ҳамда у Шарқ Ўйғониш даврига узоқ йиллар давомда беркилиб қолган илм-маърифат бўлоқларининг кўзи очилди.

Таъкидлаш керакики, ушбу китоб Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг янги Ўзбекистонни барпо этиш ва унинг Ренессанс асосини яратиш борасидаги ҳақиқатли қўллаётган илмий асослаб берган илк асар эканлиги билан алоҳида аҳамиятга молик. Бугун мамлакат маънавий-маданий ҳаётида ана шундай асарларга эҳтиёж катта. Буни ҳаммадан кўра таълим-тарбия соҳасида меҳнат қилаётган, ёшлар билан доим мулоқотда бўладиган биз, педагог-олимлар теран ҳис этиб турибмиз.

Ренессанс — ўйғониш, демек. Антик-роя, илмий ўйғониш, маърифатни ағлаш, шу аснода асарларга тенг йилларни лаҳзаларда босиб ўтмоқ, дегандир. Бу жараёни бошлаб бериш, унинг пой-деворини қўйиш эса камдан-кам инсонларга nasib этган. Бунинг учун, аввало, Аллоҳ берган иноят, сўнгги миллатни севиш, самимий инсонпарварлик туйғуси муҳассам бўлмоғи даркор.

Шу маънода, муаллифлар Ўзбекистондаги янги Ўйғониш маърифати “Илмдан бошқа наҳот йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас” деган ҳадиси шариф, Жаҳолдидин Румийнинг: “Тўзал кунлар келишини кутма, унга қараб бормоғингни унутма” деган ҳикмати, сўзларидеги тамойилга асосланганига урғу бергани, ҳаммани илм ўрганиб,

янги тамаддунга муносиб ҳисса қўйишга чорлагани таҳсинга лойиқ.

Шавкат Мирзиёевнинг Президент сифатидаги дастлабки учрашувларидан бири илм аҳли, олимлар билан бўлган эди. Бу бежиз эмас, албатта. Ушанда давлатимиз раҳбарининг “Илм-фан билан шуғулланиш, янги кашфиёт ва ихтиролар қилиш итга билан қудук қазмишдек гап. Шундай экан, бу машаққатли соҳада фикдорона меҳнат қилаётган олимларимиз меҳнати таҳсин ва рағбатга муносиб”, деб айтган сўзлари ҳамон олимларимизнинг қўлини остида жаранглаб турибди, десак, муболага эмас. Бу эса илм аҳлини халқ манфаатлари, эл-юрт тарақиётига хизмат қиладиган кашфиётлар, инновациялар яратишга руҳлантирмоқда. Бамисоли узоқ йиллар давомда беркилиб қолган илм-маърифат бўлоқларининг кўзи очилди.

Минтақамиз ҳудуди бир эсам, иккита Ренессансга бешик бўлган ўша даврларда ҳам илм ниятда қадрланган. Айниқса, Амир Темур ўз салтанатининг катта шаҳарларига турли ҳудудлардаги истеъодли олимлар, шоирлар, ҳунармандлар, меъморларни жамлаб, илм-фан тарақиёти учун керакли барча шарт-шароитни яратиб берган. Бундай оқилона сиёсат натижасида салтанатнинг илмий ва маданий қудрати кучайиб, Шарқ Ўйғонишини вужудга келтирди. Натижада биринчи Ренессанс даврида бўлгани каби бу даврда ҳам илм ўрганиши истовчилар бутун дунёдан оқиб кела бошлади.

Чиндан-да, тарихимиздаги ҳар иккала Ўйғониш даврида ҳам энг муҳим жиҳат давлатнинг, давлат раҳбарининг юксак эътибори бўлиб келган. Зотан, билимли инсон илмнинг қудрати, олимнинг қадрини яхши билади. Давлат



раҳбарининг кейинги йилларда илм аҳлига қаратаётган эътибори ва рағбатнинг босқичма-босқич ошириб борилаётгани янги Ренессанс пойдеворининг янада пишқ бўлишига ёрқин ишоратдир. Шавкат Мирзиёевнинг оқилона сиёсати ана шу истакнинг рўёбга чиқишига тўлиқ асос беришмоқда.

Шу жиҳатдан, муаллифлар давлатимиз раҳбарининг “Биз Учинчи Ренессанс масаласини стратегик вазифа сифатида олдимизга қўйиб, уни миллий гоҳ даражасига кўтармоқдамиз.

Биз мактабгача таълим ва мактаб таълими, олий ва ўрта махсус таълим тизими ҳамда илмий-маданий муассасаларни бўлғуси Ренессанснинг тўрт узвий халқаси, деб биламиз. Боғча тарбиячиси, мактаб муаллими, профессор-ўқитувчилар ва илмий-иқодий зиёлиларимизни эса янги Ўйғониш даврининг тўрт таънч устуни, деб ҳисоблаймиз.

Мен ишонаман — ҳурматли ота-оналар бу ташаббусни албатта қўллаб-қувватлаб, янги Ренессанснинг бешинчи халқаси, бешинчи устуни бўладилар. Ва бу маънавий-маърифий ҳаётимиздаги энг мустаҳкам устун бўлади, десам, ўйлаймани, силарз тўла қўллаб-қувватлайсизлар”, деган сўзларини келтириб ўтади.

Дарҳақиқат, бугун юртимизда олимларга бўлган эътибор ҳар қанчонидан бошқача. Илм билан шуғулланиш, уни

амалиётга татбиқ қилиш учун ҳамма эшиклар очилган, ихтиро ва кашфиётлар муаллифлари эса моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватланяпти. Шу билан бирга, илмнинг асоси бўлган миллий таълим тизими ислох қилиниб, буюк аҳдодларимизнинг бетакорр ва ноёб илмий-маънавий меросидан умумли фойдаланилмоқда. Бу эса асарда моҳирона акс эттирилган.

Китобда келтирилган АҚШлик олим, академик Эфроим Гурманнинг фикри эътиборимни тортди. Олим шундай дейди: “Президент Шавкат Мирзиёев дунё давлатлари раҳбарлари орасида биринчи бўлиб “Халқимиз келажакда эмас, бугун ҳам яхши яшаш керак”, деган улғу мақсад, эзгу вазифани илгари сурди ва бунинг ечимини ҳам тоғиб берди. Айниқса, унинг учинчи Ренессанс гоҳси ниятда ақойибдир. Сабаби бугунги илму фанга асосланган дунёни факатта билм билан бошқариш мумкин бўлган замонда шундай гоҳларига кудратли куч касб этади”.

Ҳақиқатан ҳам, бугун тарақиёт қалити билимда, илмда. Шунинг учун янги Ўзбекистонда олиб борилаётган ислохотлар ўзаги илмга асосланган. Бунинг илк натижалари ҳозирдан кўзга ташлана бошлади. Гап шундаки, Ўзбекистон Глобал инновацион индексида 2015 йилда 141 та давлатнинг орасида 122-ўринни эгаллаган бўлса, 2020 йилда ушбу рейтингда 30 поғона юқори кўтарилиб,

93-ўринни банд этди. Шубҳасиз, бу илм-фанга берилаётган эътибор, инновацион ривожланишга йўналтирилган реурслар самарасидир. Илм-фан тарақиёти учун яратиб берилаётган бу имкониятлар, албатта, учинчи Ренессансга замин ҳозирлайди.

Китобда ўқувчини мушоҳадага чорлайдиган яна бир жиҳат бор. Бу иқтисодий илмнинг тарғиб этилганидир. Зотан, муаллифлар алоҳида урғу берганидек, учинчи Ренессанс тўртинчи санаот инқилоби билан муштараклашди. Бироқ биз узоқ йиллар молиявий-иқтисодий билимларни халқона тилда ўқишга муяссар бўлмадик. Иқтисодиёт илмига асосланган китобларда, умуман, иқтисодиёт назариясида халқоналик анчайин йирок тўғу эди. Балки шу боис ҳам халқнинг иқтисодий илми зафрор ёки пуфак тушунчаларга боғлиқ бўлиб қолди.

Мазкур рисолада давлатимиз раҳбарининг гоҳси асосида мамлакат паста-тўқимачилик санаотида жорий этилган кластер усули янги Ўзбекистон иқтисодиётининг “драйвер”ига айланаётгани содда ва халқона тарзда очиб берилгани муаллифларнинг муваффақияти бўлган, десак, айни ҳақиқат.

Аммо муаллифлар мазкур китобнинг хотимасида, “Бизнинг халқни рози қилиш йўлидаги хизматимиз эҳтимолки, денгиздан бир томчидек туюлар. Лекин унутмайликки, океан ҳам томчилардан ҳосил бўлади”, дея ўша асарни яратишдаги улкан хизматларини камтарона баҳолаб, денгизнинг бир томчисига қиёслашган. Агар янги Ўзбекистоннинг меъмори бўлган Шавкат Мирзиёевнинг ёнида биз, юртимиз олимлари жипслашиб, ҳар биримиз ба-мисоли томчидек ўз хиссасини қўшадиган бўлсак, албатта, биз янги Ўзбекистонни биргаликда тезроқ барпо этиб, учинчи Ренессанснинг мустаҳкам асосини яратамиз!

Ушбу шарофат йўлда қадимги юнон файласуфи Сократнинг “Ўзгаларни ўзгартирмоқчи бўлган инсон, аввало, ўзини ўзгартариши лозим. Бунинг учун эса аниқ мақсад, толмас ирода ва доимий изланиш керак”, деган ҳаётий фалсафа ва ҳикматга тўла ибораси ҳаммамиз учун асосий мезонга айланиши лозим.

Раъно ТУРДИБОВА,
Тошкент давлат аграр университети проректори,
юримдик фанлар номзоди.

БИЗНЕС ҲАМЖАМИЯТИДА ҲАЛОЛЛИК

Пойтахтимизда фаолият кўрсатаётган юздан ортқ тадбиркорлик субъектлари, вазирлик ва идоралар мутасаддилари, хорижлик экспертлар ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирокида шу мавзуда бизнес форуми ташкил этилди.

Анжуман

Мазкур анжуманининг муҳим янгилликларида бири — “Ўзбекистон бизнесининг коррупцияга қарши курашиш Хартияси” ишлаб чиқилиб, тасдиқлангани бўлди. Бу — Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Коррупцияга қарши конвенцияси талаблари асосида Коррупцияга қарши курашиш бўйича миллий кенгаш томонидан тасдиқланган Коррупцияга қарши курашиш халқаро стандартларини Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида имплементация қилишни давом эттириш борасида “Йўл харитаси”нинг ижроси самарасидир.

Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги, Савдо-саноат палатаси, Президент хузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакилнинг қўшма қарори билан “Коррупцияга қарши курашиш Хартияси” аъзолигига қўшилиши ва ягона реестрни юритиш тартиби тўғрисида”ги Низом тасдиқланди. Низомда тадбиркорлик субъектлари томонидан Хартияга қўшилиш, маълумотларни электрон “ягона реестр”да акс эттириш ва реестрдан чиқариш тартиби аниқ белгилаб берилган.

Тадбирда бизнес вакиллари фаолияти учун яратиб берилган имкониятлар, Хартияни қабул қилишдан қўзланган асосий мақсад ҳамда унинг коррупция хавфларининг олдини олишдаги роли ҳақида атрофлича тушултириш берилди. Хусусан, Буюк Британиянинг “Global Risk Alliance” компанияси директори А. Тошнинг фикрича, Ўзбекистонда хусусий секторда коррупциянинг олдини олишга қаратилган мазкур ҳужжатнинг қабул қилиниши таҳсинга сазовор. Чўнки бизнесга қанчалик эркинлик яратилса, иқтисодиёт ҳам шунчалик ривожланиб бораверади.

Форум доирасида экспертларнинг фикр ва тавсиялари, тадбиркорлик субъектлари билдирган мулоҳазалар асосида, шунингдек, хусусий секторда коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида амалий таклифлар ишлаб чиқилди.

Дилшод УЛУҒМУРОДОВ
(«Халқ сўзи»).

ЭЪЛОН

МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

қуйидаги лавозимларга танлов эълон қилади:

Ижтимоий фанлар факультети

1. Фалсафа ва маънавият асослари кафедраси — кафедра мудири.
2. Фалсафа ва мантиқ кафедраси — кафедра мудири.
3. Умумий психология кафедраси — кафедра мудири.
4. Фуқаролик җамияти ва ҳуқуқ таълими кафедраси — кафедра мудири.
5. Социология кафедраси — кафедра мудири.
6. Педагогика ва психология кафедраси — кафедра мудири.
7. Ижтимоий психология кафедраси — кафедра мудири.

Тарих факультети

1. Археология кафедраси — кафедра мудири.
2. Жаҳон тарихи кафедраси — кафедра мудири.
3. Ўзбекистон тарихи кафедраси — кафедра мудири.
4. Антропология ва этнология кафедраси — кафедра мудири.
5. Манбаънослик ва архившунослик кафедраси — кафедра мудири.
6. Ўзбекистоннинг энг янги тарихи кафедраси — кафедра мудири.

Биология факультети

1. Биокимё кафедраси — кафедра мудири.
2. Ботаника ва ўсимликлар физиологияси кафедраси — кафедра мудири.
3. Генетика кафедраси — кафедра мудири.
4. Микробиология ва биотехнология кафедраси — кафедра мудири.
5. Тупроқшунослик кафедраси — кафедра мудири.
6. Одам ва ҳайвонлар физиологияси кафедраси — кафедра мудири.
7. Биофизика кафедраси — кафедра мудири.

Ҳужжатлар эълон чоп этилган санадан бошлаб 1 ой муддатда қабул қилинади.

Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Талабалар шаҳарчаси, ЎЗМУнинг ходимлар бўлими. Тел.: 71-246-03-92.

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президентини Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1248. 28 151 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетанинг ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ТЕЛЕФОНЛАР:

Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.



Таҳририятга келган қўёзмалар тақриз қилинмайдиган ва муаллифга қайтарилмайдиган.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида термид ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланган.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 22.15 Топширилди — 00.25 1 2 3 4 5 6